



ENVIRONMENTAL PROTECTION SHOULD BE A NATIONAL AFFAIR

Mannopov X. M.

Assoc. Prof., Department of Philosophy and National Idea,

Tashkent State Technical University

xamidmannopov@mapl.ru, + 99893-553-98-01

Аннотация

The article is devoted to the ecological problem, which is one of the most important issues. Meanwhile, environmental education is important for ensuring the connection between nature and society and preserving natural stability. Environmental education also helps harmonious generations to use nature consciously and instill in them a love for the environment and thrift.

Key words: nature, society, education, upbringing, consciousness, ecology, love, thrift

Аннотация

Мақолада жуда мұхим мұаммолардан бири саналған экологик таълим масаласига асosий үрин ажратылған. Айни пайтда экологик таълим-тарбия табиат ва жамият үртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорлықни сақлашда мұхимдір. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишида фойдаланиш ва улар қалбіда табиатта мәхр-мухабbat үйғотиши ҳамда тежамкорлықта үргатишида қўл келадио

Таянч сўзлар: табиат, жамият, таълим, тарбия, онг, экология, мәхр-мухабbat, тежамкорлик

Аннотация

Статья посвящена экологическому проблеме, которое является одним из важнейших вопросов. Между тем экологическое просвещение важно для обеспечения связи между природой и обществом и сохранения естественной стабильности. Экологическое просвещение также помогает гармоничного поколениям осознанно пользоваться природой и прививать им любовь к окружающей среде и бережливость.

Ключевые слова: природа, общество, образование, воспитание, сознание, экология, любовь, бережливость



Кириш: Жамият ва инсоннинг ҳаёти ва фаолияти табиат қонунларига бўйсунади. Жамият қанчалик тараққий этмасин унинг яшовчанлиги табиий шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади. Маълумки, табиат жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий шарт-шароити ва моддий заминидир. Жамият табиатнинг таркибий қисми бўлса, инсон унинг эволюцион тараққиётининг чўққиси.

Инсоннинг ижодий имкониятлари, унинг табиати ва ўзгартириш қобилиятларига келганда, улар чек-чегарасизdir. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларсиз ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам, инсон ҳаёти моддий шароитлари ҳам бўлмайди, демакки жамият ҳам бўлмайди. Жамият бу одамларнинг биргаликда ҳаракати, ўзаро таъсирининг маҳсулидир, бу одамларнинг ижтимоий муносабатларидаги инсоннинг ўзидир.

Табиат ривожининг олий босқичи бўлмиш жамият фақат табиий омил негизидагина яшайди, ривожлана олади ва унинг табиий омил билан доимий ўзаро таъсирида бўлиш шартидир. Келиб чиқиши жиҳатдан табиат билан боғлиқ бўлган жамият ҳар ҳолда табиатнинг алоҳида қисми сифатида яшайди ва ривожланади[1].

Инсониятнинг тарихий ривожланиш тажрибалари бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш даврида “табиат-жамият-инсон” муносабатларида ҳам анъанавийлик ва ворисийлик ўртасида узилишлари рўй беришини қўрсатиб берган. Хусусан, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг бекарорлашуви бевосита экологик муносабатларда ҳам кузатилади. Лекин, экологик муносабатлар глобаллашуви бу жараённи бошқаришни маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб қиласди. Экологик ахлоқ нормаларининг “табиат-жамият-инсон” муносабатларини оқилона бошқаришдаги ролини тушуниб олиш учун мухим фалсафий ахлоқий тушунча бўлган қадриятлар билан муносабатини қисман кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бу жиҳатдан қараганда, “Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритгач, ўзбек халқининг тарихий анъаналари тикланмоқда ва жумладан, ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳозир янги мазмун касб этган маҳалла сингари демократик органини тиклаш учун барча даражада чоралар кўрилмоқда”. Чунки, Ўзбекистондаги барча маҳаллаларда истиқомат қилувчи катта авлод кишилари ўтмишнинг ахлоқий-маънавий қадриятларини билишади ва ёшларга трансформация қиласди. Шарқда оқсоқолларнинг, мураббийларнинг обрў-эътибори қадимдан баланд бўлган. Шу сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг аҳамиятини ва ҳаётийлигини анлаган



оқсоқоллар ҳозирги экологик муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек, назаримизда, мамлакатимизда ёш авлоднинг экологик ахлоқни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшишлари мумкин. Дарҳақиқат, маҳалла ибрат ва тарбия маскани, ўзи яшаётган табиий муҳитни асраб-авайловчи мустаҳкам қўрғон, таъбир жоиз бўлса, энг самарали экологик ахлоқ ва маданият мактаби ҳамдир.

Тадқиқотлар методологияси таҳлили. Ахлоқийлик тамойилларисиз, ахлоқий-экологик маданиятсиз, ахлоқий фуқаролик-экологик принципларисиз, ахлоқий-экологик фаолиятсиз экологизациялаш масалаларини ҳал қилиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахлоқий асос ўз ичига дунёқарашни, ғоявий-ахлоқий меъёрларни ва ишонч-эътиқодни олиб, одамни шахс сифатида яъни фуқаро ёки жамоат арбоби сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Ахлоқий-экологик маданиятни яхлитлиги шахсни экологик билимлари, табиатга нисбатан ахлоқий муносабати, ахлоқий-экологик хулқ-атвори ва фаолиятининг ўзаро мутаносиблиги ва мунтазамлигига ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, ахлоқий-экологик маданиятни методологик асосини бир бутун фалсафий таълимот ташкил қиласди. Умумлаштириб айтганда бу фалсафий таълимотнинг асоси табиатга нисбатан инсоний муносабат, атрофмуҳитга нисбатан юксак даражадаги, меҳр-муҳаббатга асосланган фаолиятдан иборат. Бу ўз моҳияти билан табиат ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни монандлиги, ўзаро уйғунлигини билдиради.

Бу ҳақда этика назариясига асос солган антик дунё файласуфлари (Эпикур ва б.) ёзиб қолдирганлар. Табиат билан монанд ҳолда шахсни ўзи жисмоний, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан такомиллашиб боради. Демак, экологик ахлоқий онг ва маданиятни ижтимоий онг шакллари билан боғлиқ равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу кишиларнинг ижтимоий-экологик ҳаттиҳаракатлари ҳамда қадриятларга нисбатан муносабат принципларининг ифодаси сифатида намоён бўлади, “инсон-табиат-жамият” ўртасидаги уйғунликни ифодалайди.

Асосий қисм.“Табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришнинг демократик характери ва гуманистик тамойилларга мослиги умуминсоний экологик ахлоқий қадриятлар даражасида намоён бўлади. Айниқса, экологик фаолиятни бошқаришнинг ҳалқ томонидан назорат қилиш имконияти, унинг демократик характерини белгиловчи муҳим мезон ҳисобланади. Бунда



жамиятнинг сиёсий институтлари, хусусан давлат, унинг қонуний- хуқуқий ва маънавий-ахлоқий кафолати бўлиши керак. Яъни, давлатнинг функцияси “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришнинг хуқуқий ва ахлоқий мезонларини жамият устқурма элементлари орқали тартибга солишдан иборат бўлиб, экологик фаолиятни бошқариш институционал тизими самарадорлиги маънавий-ахлоқий мезонларга кўра ташкиллашганлигига боғлиқдир. Чунки, экологик фаолиятнинг ахлоқий мезонлари ва хуқуқий қонунлари аниқ белгиланмаса тизимнинг мутаносиблиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Умуман, инсоният қачонгacha табиат неъматларини кўр-кўrona талон-тарож қилиши керак, бунинг қандайдир ечимлари мавжудми, каби саволлар кенг жамоатчилик, зиёлилар томонидан бот-бот таъкидланмоқда. Албатта инсон табиатсиз, ундаги мавжуд ресурсларсиз мавжуд бўлиши даргумон. Бу ҳолат борасида ҳеч ким ҳалигача аниқ бир прогнозни таклиф қила олмаган. Баъзан, адабиётларда Ер юзи аҳолиси 2050 йилга бориб 9.3 млрд.га етади, реал имкониятлар эса 12 млрд. одамни боқишига қодир, деган таҳлилларни учратамиз. 2014 йилнинг 13-октябрь куни Республикализнинг муҳташам саройларидан бири бўлган – “Туркистон” саройида “Табиий оғатларнинг олдини олиш Халқаро куни” муносабати билан йирик илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Халкаро ташкилотлардан, фавкулодда вазиятлар буйича давлат идораларидал ҳамда элчиҳоналардан меҳмонлар ташриф буюрди. Бу анжумандан бугун дунё мамлакатлари ҳамда халкларини ташвишга solaётган ва ўзининг оқибатлари билан инсониятга хавф келтираётган турли характердаги фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар юз берганда тўғри харакат қилиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш борасида фикрлар билдирилди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди[2].

“Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмуш тарзининг аҳволи сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларини экологик жиҳатдан яроқсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имкониятига эга бўлади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда экологик вазият аста-секин ёмонлашиб боради”, – деган эди биринчи Президент И.Каримов[3].

Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ



фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл саҳроларнинг бостириб келишишга, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсифи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда[3].

Табиийки, турли жиҳатдан энг кўзга кўринган кўрсаткичларга эга бўлган табиий ва ижтимоий объектлар, жумладан, дарёлар, денгизлар, материклар, давлатлар, шахарлар, айниқса дунё аҳолисига оид маълумотлар ҳар қандай киши ақлини олади. Бу борада аҳолиси энг кўп бўлган, сайёрамизда олдинда турувчи материк, давлат ва шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

БМТ Ижтимоий ва иқтисодий Департаментининг аҳоли масалалалари бўйича бўлим маълумотларига кўра, 2011 йилнинг охирида дунё аҳолиси 7млрд кишига етди. Ҳозирда эса 7,5 миллиардан ошган. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, дунё аҳолисининг табиий кўпайиш суръати 1963 йилда инсоният тарихида энг юқори кўрсаткич (3,5 фоизга) тенг бўлган. Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг табиий кўпайиши кўрсаткичларининг 1963 йилга нисбатан икки бараварга (1,5 фоизгача) камайганига қарамай, Ер юзидаги аҳолининг мутлоқ сони кейинги йилларда тез кўпаймоқда.

Маълумотларга кўра, милодий 1000 йилда Ер шарида 310 млн киши истиқомат қилган. Мазкур кўрсаткичининг 1 млрд га этиши учун 820 йил керак бўлган. 1820 йилдан кейин дунё аҳолиси 1927 йилда камида 2 млрдга, 1960 йилда 3млрдга, 1947 йилда 4млрдга, 1987 йилда 5млрдга, 1999 йилда 6млрдга ва 2011 йилда 7млрд кишига этди. Кўриниб турипдики, сўнгги 30-40 йил ичida дунё аҳолиси ҳар 12-13 йилда 1 млрд кишига кўпайган.

Евроосиё дунёда аҳолисининг сони бўйича биринчи ўринда туради. Мазкур материкда 4,51 млрд киши ёки сайёрамиздаги жами аҳолининг 71 фоизи истиқомат қиласи. Африка билан қўшиб ҳисоблаганда (5,71 млрд) иккала материкда дунё аҳолисининг 85% яшайди.

Ершарида яшайдиган аҳолининг учдан бир қисмидан ортиғини ёки 36,5 фоизи Осиёдаги икки давлат – Хитой ва Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади. 2011 йилнинг биринчи ярмида Хитойдаги аҳоли сони 1,35 млрд киши Ҳиндистонда 1,21 млрд кишини ташкил этди[4].

Ўзбекистон аҳолисининг сонига кўра дунёдаги БМТга аъзо бўлган 194 давлат ўртасида 44 ўринни эгаллайди. 2015 йилнинг 1 январида Ўзбекистон аҳолиси 31,5



миллион кишидан ортади, бу ерда Ўрта Осиё аҳолисининг ярмидан қўпроғи яшайди[5]. 1800 йилда дунё аҳолисининг 4 фоизи, 1900 йилда 14 фоизи, 2000 йилда 47 фоизи шаҳарларда яшаган. 2008 йилга келиб, дунёдаги шаҳар аҳолисининг сони қишлоқ аҳолисининг сонига тенглашди. Таъкидлаш жоизки, дунё аҳолисининг тенг ярмини ташкил қилувчи шаҳар аҳолиси қуруқликнинг, бор-йўғи 3 фоизини эгалловчи аҳоли пункларида истиқомат қиласа, худди шу миқдордаги шаҳар аҳолиси қуруқликнинг 12 фоизини эгаллаган худудларда яшайди. БМТнинг башоратларига қўра, 2050 йилга бориб, дунё аҳолисининг 70 фоизи шаҳарларда яшаши мумкин[6].

Маълумки, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўз қонуниятлари бор. Уларга риоя қилмаслик пировард натижада экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай бўляпти ҳам. Илм-фанинг жадал ривожланиши, ер усти ва ости табиий бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш натижасида бугунги кунга келиб атроф-муҳитдаги тенглик издан чиқди. Натижада хориждаги баъзи ҳудудларда бебаҳо неъматлар – тупроқ, сув, ҳаво ифлосланиб, яроқсиз ҳолга кела бошлади. Шу сабабли сўнгги йилларда турли ҳалқаро анжуманлар, конференцияларда био хилма-хиллик, унга ташқи муҳитнинг таъсири ҳақида бонг урилмоқда. Шундан келиб чиқиб, одамзот ўз қилмишларининг жабрини тортяпти десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Мамлакатимизда ҳам бу борада ҳуқуқий асослар яратилиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қайд этиш жоизки, узоқ йиллар мобайнида табиатга етказилган таъсир оқибатида табиий мувозанатга путур етди. Бугунги кунга келиб эса, инсоният тамаддуни, унинг эртанги тақдири айнан шундай масалаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда.

Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳимдир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар



қалбидა табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади.

Хуносаси: Табиатга нисбатан юксак ахлоқий муносабатни шакллантириш, фақат мукаммал маданиятли шахсни, унинг ахлоқий онгини, хулқ-авторини ва фаолиятини тарбиялаш орқалигина мумкин. Ахлоқий маданият инсоннинг табиий туғма хусусияти эмас, у тарбияланади, одатда унинг ривожланганлик даражаси ҳаммада бир хил бўлмайди.

Шахс экологик ахлоқий маданияти, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти давомида шаклланади, бу хусусият жамоада, ижтимоий гуруҳда, оиласда, ўртоқлар даврасида вужудга келиб, ўзига хос микромуҳитни ташкил этади, унда объективлик ва субъективлик, моҳият ва моҳиятли бўлмаган, зарурӣ ва тасодифий омиллар бирлиги намоён бўлади. Ахлоқий маданият экологик маданиятни тобора мукаммаллашиб боришини таъминлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, инсон олами уни ўраб турган атроф-муҳит оламидир, шундай экан шахсни табиатга бўлган муносабати ахлоқий тус олмоғи зарур, демак экологик ахлоқ ва маданият инсоннинг маънавий камолоти билан узвий боғланиб кетади. Чунончи, Ўзбекистонда фуқаролар ҳамда жамоатчилик ижтимоий фикрининг аҳволи ва уни ўрганиш экологик ахлоқ даражасини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Биз кўриб чиқаётган маънода у, экологик ахлоқ ва маданиятга катта эътибор берилаётгани, табиий муҳитга етказилаётган зиён оммавий ахборот воситалари томонидан фош қилинаётгани билан характерланади.

Қўлланилган адабиётлар.

- 1) Очилова Б. Жамият ҳаёти ва тараққиётининг табиий ва ижтимоий омиллари.
ORCID 0000-0002-6834-6898
- 2) Халқ сўзи, 2014 йил 11 феврал
- 3) Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., Ўзбекистон, 1997. – Б. 113-115
- 4) Гадоев К, Бердиева С. Сайёрамиз мўжизалари –Т., Ўзбекистон. 2012, – 179 б
- 5) Халқ сўзи. 2014 йил 6 декабр
- 6) Фоғуров З. Табиатни муҳофаза қилишни маънавий ва ҳуқуқий асослари – Тошкент., Iqtisod-moliya. 2007. – 176 б.